Ушбу сонда:
2 КОНСТИТУЦИЯМИЗ БИЗГА НИМА БЕРДИ?
3 ҲУҚУҚИЙ МАСЛАҲАТХОНА
4 «Олимпиада умидлари — 2001» ШАҲРИХОН ЕНГИЛ АТЛЕТИКАЧИЛАРИ

ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ — ОЛИЙ ВАХТ
O'ZBEKISTON KASABA UYUSHMALARI FEDERATSIYASI — FEDERATION OF TRADE UNIONS OF UZBEKISTAN

ISHONCH

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2001 йил 4 апрел, чоршанба №51 (1065)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

2001 yil — Onalar va bolalar yili



ТАШРИФ САМАРАЛИ КЕЧМОҚДА

Берлин, 3 апрел. ЎзА махсус мухбири Анвар Каримов хабар қилади:

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Германия Федератив Республикасига кеча бошланган расмий ташрифи жуда самарали кечмоқда. Бугун давлатимиз раҳбари ГФР федерал ички ишлар вазири Отто Шили билан учрашди. Учрашувда мамлакатларимиз ички ишлар вазирликлари ўртасидаги ўзаро ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш тўғрисида сўз борди. Жумладан, уюшган жиноятчилик, наркотикларнинг ноқонуний савдоси, экстремизм ва халқаро террорчиликка қарши курашда ўзаро ҳамкорликни янада кенгайтириш билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинди.



Музокара чоғида икки давлат ички ишлар вазирликлари тизимидаги ўқув юртлари ўртасидаги ҳамкорлик, хусусан, семинарлар, амалий машғулотлар ташкил этиш тўғрисида ҳам келишиб олинди.

Президент Ислом Каримовнинг ГФР вице-канцлери, ташқи ишлар вазири Йошка Фишер билан учрашувида долзарб халқаро муаммолар, икки томонлама алоқалар, минтақавий хавфсизлик масалалари муҳокама қилинди. Томонлар ташқи сиёсат борасида бир-бирини қўллаб-қувватлашга келишиб олди.

«Бельвью» саройида давлатимиз раҳбари ГФР Федерал Президенти Йоҳаннес Рау билан музокара ўтказди. Президентлар мулоқотида икки давлат ўртасидаги сиёсий ва иқтисодий алоқаларни янада мустаҳкамлаш ҳамда ўзаро савдо-сотиқ ҳажмини ошириш борасида фикр алмашилди.

Умуман, ташрифнинг бугунги куни турли учрашув ва тадбирларга жуда бой бўлди. Ислом Каримов «Даймлер-Крайслер» компаниясининг бош қароргоҳида ГФРнинг етакчи ишбилармон ва молиявий доиралари вакиллари билан учрашди. Президентимиз Германия бизнеси вакилларига мамлакатимизда хорижий сармоядорлар учун яратилган қулай шароит тўғрисида гапириб берди.

- Биз мамлакатимиз иқтисодиётини эркинлаштириш борасида улкан ислоҳотларни амалга оширмоқдамиз, - деди, жумладан, давлатимиз раҳбари. - Бу саъй-ҳаракатлар натижасида сизнинг иқтисодиётимизга сармоя киритишингиз, Ўзбекистонда иш юритишингиз янада осонлашади, фаолиятингиз ҳукуматимиз томонидан қўллаб-қувватланади.

Ислом Каримовнинг ГФР федерал иқтисодиёт ва технология вазири Вернер Мюллер билан ўтказган учрашувида ҳам иқтисодий ҳамкорликни мустаҳкамлаш музокараларнинг бош мавзуси бўлди. Хусусан, мамлакатимизга Германиянинг юқори технологияларини олиб кириш масаласи муҳокама қилинди.

Шу куни Берлинда Ўзбекистон элчихонасининг очилиш маросими бўлди. Маълумки, ГФРдаги элчихонамиз илгари Боннда жойлашган эди. Германиянинг пойтахти Берлинга кўчгач, элчихонамиз ҳам шу ерга жойлаштирилди. Элчихонанинг очилиш маросимида Германия раҳбарияти вакиллари, нуфузли немис сиёсат ва давлат арбоблари иштирок этди. Шу муносабат билан бу ерда ош дамланди. Юртимиздан маросимга таклиф этилган санъаткорлар миллий қўшиқ ва рақслар ижро этди.

Президентимизнинг Германияга ташрифи давом этмоқда.

(ЎзА).

Қўшма корхоналар шарофати

Хозирги кунда кўпчилик давлатлар Германия билан ўзаро манфаатли ҳамкорлик ўрнатишга, унинг технология ва бой тажрибаларига суянган холда махсулот ишлаб чиқаришга ҳаракат қилади. Улар каторида Ўзбекистон ҳам ишончли ҳамкордир. Бугун юртимизда немис ишбилармонлари билан биргаликда тузилган қўшма корхоналар муваффақиятли ишламоқда.

ГЕРМАНИЯ — ИШОНЧЛИ ҲАМКОР

Илк бор Германиянинг «SIMENS» ва «SINGER» фирмаларининг алоқа воситалари ва тикув машиналари ўзбекистонликлар меҳрини қозонди. Ҳозирда бу давлат билан ҳамкорликдаги қўшма корхоналар сони 132 тага етди. Германияликларнинг юртимиз иқтисодиётига киритаётган сармояси ҳажми ҳам тобора ортиб бормоқда. Шу кунгача 50 дан ортиқ йирик қўшма лойиҳа амалга оширилди.

Ганноверда ўтказилган «ЭКСПО-2000» ярмаркасида Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган маҳсулотлар кўргазмаси ўз навбатида немисларни ҳам бефарқ қолдирмади. Мазкур ярмарка натижаси ўлароқ қатор хориж тадбиркорларида ҳамкорлик истаги туғилди. Хусусан, «АСКАТЕК» билан Ўзбекистондаги олтита фирма ва хусусий ишлаб чиқариш корхоналари ўртасида лизинг шартномаси тузилди. Унга кўра, меваларни қуритиб шарбат олиш технологиясини ўрнатиш режалаштирилмоқда. Таъкидлаш лозимки, Фарғонада 3 та, Самарқандда 2 жойда шундай технология ишга тушурилади. Қибрайлик хусусий тадбиркор Машҳура Абдураззоқова тақдим этган бизнес лойиҳа ҳам тасдиқланди.

Мамлакатлараро савдо иқтисодий алоқаларни янада ривожлантириш, хорижий сармояларни жалб қилиш мақсадида «ЎзСАЛАМАН» қўшма корхонаси эса, мана беш йилдирки, фаолият кўрсатиб келмоқда. Ҳозирда қўшма корхона тўла қувват билан ишлаб ўзимизнинг маҳаллий чармдан маҳсулот ишлаб чиқармоқда. 2000 йил ноябр ойида Навоийда ишга туширилган «Олтин тери» корхонаси маҳсулотлари сифати ва бежиримлиги билан Россия ва МДҲ давлатларида ўз харидорларига эга бўлди. Германиянинг «ФЛАЙСНЕР» фирмасига тегишли юксак технология асосида жиҳозланган бу корхона 5,5 минг тонна жунни қайта ишлаш қувватига эга.

Мамлакатимиз мустақилликка эришгач, маҳаллий хомашёдан қоғоз олиш мақсади йўлидаги изланишлар, ҳаракатлар кучайди. 4,5 миллион АҚШ доллари ва 200 миллион сўмдан ортиқ маблағ сарфланиб, Ўзбекистон-Германия-Россия ҳамкорлигида «НАМБУМ» қўшма корхонаси ишга туширилди. Германия томонидан «ЕХОТЕХ» фирмаси ўзининг фоиз улуши билан таъсисчи сифатида қўшилди. Лойиҳага кўра, йилига 1500 тонна ёзув қоғози ишлаб чиқариш режалаштирилган бўлиб, кейинчалик корхона қувватини 5 минг тоннага ошириш кўзда тутилган. «КЕЛЬБЕРГ ОСИЁ» электродлар ишлаб чиқариш қўшма корхонаси ҳам мамлакатимизнинг иқтисодий ривожланишига муносиб ҳисса қўшиб келмоқда. Илгарилари пайвандлаш учун ишлатиладиган электродлар қўшни давлатлардан келтирилар эди. Эндиликда ўзимиз бу маҳсулотларни экспорт қилиш имкониятига эга бўлдик.

«ALCATEL» фирмаси юқори сифатли алоқа тизимини йўлга қўйиш, замонавий сўзлашувни жаҳон даражасига кўтариш мақсадида юртимизга кириб келди. Чирчиқ шаҳрида фаолият кўрсатаётган Германиянинг бу технологияси аҳолининг ушбу алоқа воситасидан тўла фойдаланиш имконини берди.

«KIBO» Ўзбек-герман қўшма корхонасининг маҳсулотларини билмайдиган киши бўлмаса керак. Ўзбекистон бозорини сифатли пойабзал маҳсулотлари билан таъминлабгина қолмай, уларни чет давлатларга ҳам экспорт қила бошлаганлиги бу ҳамкорлик янги босқичга кўтарилганлигини яна бир карра тасдиқлайди.

Маданий ҳамкорлик соҳасида Германия ва Ўзбекистон ўртасида йўлга қўйилган яхши алоқалар хусусида кўп гапирилган. Юртимизда фаолият кўрсатаётган «КОНРАД АДЕНАУЭР» фонди ижтимоий-маданий соҳаларда, малакали кадрлар тайёрлаш борасида ўзининг муносиб ҳиссасини қўшиб келмоқда. Айни пайтда «Умид» жамғармаси орқали 66 нафар талаба Германиядаги нуфузли илм даргоҳларида таҳсил олишлари ҳам икки давлат ўртасидаги муносабатларнинг янада ривож топиб бораётганлигидандир.

Германиянинг «ДОЙЧЕБАНК» ва «ДРЕЗДЕНБАНК»лари билан мамлакатимиздаги бир қанча банклар ўртасида фойдали шартномалар имзоланди.

Мамлакатимиз Президенти Ислом Каримовнинг Германияга қилган расмий ташрифи икки мамлакат ўртасидаги алоқаларни янги поғонага кўтаради, иншооллоҳ!

Давур ТУРОН,
«Ишонч» мухбири.

МУКОФОТ МУБОРАК!

«Нурота» наслчилик ширкат хўжалиги маъмурияти, касаба уюшма қўмитаси қўзилатиш мавсумини муваффақиятли ўтказиш учун ферма ва отарлар ўртасида меҳнат беллашуви шартларини ишлаб чиққан эди.

Бу мавжуд 52 отардаги қўйлар сонини 5 фоизга ёки 43 минг бошга ошириш имконини беради деб умид қилиняпти.

Шуниси қувонарлики, жамоада ғолиб чорвадорлар меҳнати ҳар йили муносиб тақдирланиб келинмоқда. Жумладан, ўтган йили 3-ферма бош чўпони Йўлдош Умаров ғолиб деб топилди ва унга «Дамас» автомашинаси баҳосининг 45 фоизи миқдорида мукофот пули ажратиш ҳақида қарор қабул қилинган эди. Яқинда моҳир чорвадорга 191 бош қўзи берилди. 5-ферма бош чўпони Рўзибой Ҳамроев ҳам соврин эгаси бўлди.

Айни кунларда хўжалик чорвадорлари қўзилатиш мавсумини уюшқоқлик билан олиб бормоқдалар.

Ялғош САРИЕВ,
«Ишонч» мухбири.

ХАЛҚАРО ВАЛЮТА ФОНДИ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҲУКУМАТИНИНГ ҚЎШМА БАЁНОТИ

Халқаро Валюта фондининг доимий вакили жаноб Розенбергнинг жўнаб кетиши муносабати билан юзага келаётган масалалар юзасидан Халқаро Валюта фонди Ўзбекистон Республикаси ҳукумати билан биргаликда қуйидагиларни маълум қилади.

Жаноб Розенбергнинг жўнаб кетиши унинг доимий вакил сифатидаги ваколатлари апрел ойида тугаши билан боғлиқдир. ХВФ Ўзбекистон ҳукумати билан ҳамкорлик қилишга ва ёрдам кўрсатишга тайёр эканини тасдиқлайди. ХВФ ваколатхонаси офисда қолаётган ходимлари орқали Ўзбекистондаги фаолиятини давом эттиради. Айни пайтда ХВФ техник ёрдам кўрсатиш ва ҳукумат мансабдор шахслари билан яқин мулоқот олиб бориш учун мунтазам равишда штаб-квартирасидан экспертлар йўллаб туради.

Президент Ислом Каримов 2001 йилнинг 30 мартида ХВФ ижрочи директори жаноб Кёллерга йўллаган мактубида Ўзбекистон ҳукумати иқтисодиётни эркинлаштириш ва бозор ислоҳотларини чуқурлаштириш тарафдори экани ҳамда ХВФ билан ушбу жараёнларни жадаллаштиришга доир чора-тадбирларни ишлаб чиқиш борасидаги ҳамкорликни кенгайтиришга тайёрлигини тасдиқлади. Шу муносабат билан Ўзбекистон Республикаси ҳукумати ХВФга фонд ходимлари томонидан амалга оширилаётган мониторинг дастурини муҳокама қилиш учун Ўзбекистонга 2001 йилнинг май ойида миссия йўллаш тўғрисидаги илтимос билан мурожаат этди.

ҒУРУР

6 апрел куни Темурийлар тарихи давлат музейида Амир Темур таваллудининг 665 йиллигига бағишлаб анъанавий «Мангу бархаёт сиймо» болалар ижодиёти кўргазмаси ўтказилади.

Кўргазмада пойтахтнинг Сирғали, Чилонзор ва Бектемир туманлари болаларининг энг яхши ижодий ишлари намойиш этилади. Улар энг яхши иншо, энг яхши театрлаштирилган томоша ва энг яхши кўргазма номинациялари бўйича баҳоланади.

Болалар ўз иншолари, яратган роллари ва чизган суратларида ҳаётини буюк давлат қуриш ишига бағишлаган миллий қаҳрамон сиймосини гавдалантиришга интилишди. Бундай мавзудаги кўргазма, танловлар болаларни Ватан тарихи, миллий қадриятлар ва аждодлар меросига ҳурмат руҳида тарбиялайди. Ёш қалбларда ўзбек маданиятининг башарият маънавий хазинасига қўшган улуғ ҳиссасидан ғурурланиш туйғусини уйғотади.

МАҲОРАТЛИ ҲАЙДОВЧИЛАР

Жиззахдаги Наврўзбулоқ трассасида республикамиз мустақиллигининг 10 йиллиги олдидан генерал Ё.Ёрбеков хотирасига бағишланган автопойга бўлиб ўтди. Унда мамлакатимизнинг саккиз вилояти ва Тошкент шаҳридан 50 дан зиёд спортчи-ҳайдовчилар иштирок этди.

Қизғин курашлар остида ўтган беллашувлар якунига кўра самарқандлик автопойгачилар умумжамоа ҳисобида биринчи ўринни қўлга киритди. Иккинчи ўрин жиззахликларга, учинчи ўрин бухороликларга насиб этди. Ғолибларга дипломлар ва ҳомийлар томонидан қимматбаҳо совғалар топширилди.

(ЎзА)

«Ишонч» бонг уради

ОЙЛИК МАОШ КЕЧИКМОҚДА

бундай ҳолат юзага келишига кимлар сабабчи?

«Бухоросувқурилиш» трестига қарашли кўчма механизациялашган жамланмаларнинг кўпчилиги Коровулбозор туманида фаолият юритади. Улар ирригация-мелиорация ишларини намунали ташкил этиш, янги ерлар ўзлаштириш, тупроқ унумдорлигини ошириш мақсадида имкониятлардан унумли фойдаланишга ҳаракат қилмоқдалар.

Жамоага ёш, изланувчан мутахассис М.Маҳмудов раҳбар этиб тайинланганч, ишдаги силжишлар кўзга яққолроқ ташлана бошлади. Кўчма жамланма ишчилари ҳар қандай об-ҳаво шароитида ҳам ўзларига топширилган ишни сидқидилдан бажараётган эдилар. Афсуски, сўнгги вақтларда жамоадаги муҳитга кўз тегди. Ҳақли эътирозлар кучайди. Гап шундаки, ишловчилар ойлаб иш ҳақларини олишолмаётир. Бундай ҳолат юзага келишига кимлар сабабчи? Маълум бўлишича, бажарилган ишлар учун тўланиши лозим бўлган пул маблағлари вақтида келиб тушмаганлиги муаммоларни кўпайтириб юборди. 2001 йилнинг 1 март ҳолатига 258,3 миллион сўмлик дебитор қарзлар вужудга келди.

Бозор талаби қатъий. Омилкор, масъулиятни чуқур ҳис қилган раҳбару мутахассис тўлов интизомига қатъий риоя этади. Аксинча, лоқайдлик, ўзибўларчиликка йўл қўйилса, қарздорлик юзага келади. Оқибат-натижада қанчадан-қанча кишилар тирикчиликдан қийналишади. Жиддий эътирозлар мутасаддилар олдига кўндаланг қўйилгач, улар ҳаракатга тушдилар. Бироқ, аҳвол ўнгланди, деб айтолмаймиз. Бугунги кунга келиб дебитор қарзлар 56 миллион сўмни ташкил этмоқда. Ўз-ўзидан ижтимоий суғурта бадалларини ҳам тўлашга имкон бўлмаётир. Таъкидлашларича, бу борадаги қарз миқдори 10 миллион сўмдан ошган. Демак, меҳнаткашларни соғломлаштириш, яхши дам олишларини ташкил этиш ҳам кўнгилдагидек эмас.

Таажжубки, асосий буюртмачилардан бири — Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги «Бухоросувқурилиш» трестига қарашли механизациялашган жамланмаларга 60 миллион сўм, вилоят капитал қурилиш бошқармаси 56 миллион сўмлик бажарилган ишлар учун тўланиши зарур бўлган маблағларни ҳанузгача кўчиришмаган. Коровулбозор тумани ҳудудидаги хўжаликларнинг қарзи эса қарийб 30 миллион сўмни ташкил этади. Ҳақли савол туғилади: хўш, меҳнаткашлар манфаатининг устувор ҳимоячиси бўлмиш касаба уюшмалари нега жим? Улар анчадан буён давом этаётган бундай ҳолат билан нима сабабдан муроса қилиб келмоқдалар? Ҳозирча трест раҳбарларининг ўзлари идорама-идора елиб-югуриб қарзларини ундириш пайида бўлишаяпти.

Шу ўринда бир масала хусусида алоҳида тўхталиш жоиз. Қарздорликнинг юзага келишига сабабчи бўлаётган баъзи мутасаддилар иқтисодий қийинчиликларни, узрли сабабларни рўкач қилишади. Энди бундай важ-карсонларнинг вақти ўтди. Раҳбар омилкор, изланувчан, иқтисодиётни юксалтиришга хизмат қиладиган омилларни ишга сола биладиган бўлиши керак. Боз устига, бунёдкорларга буюртма бериш олдидан иқтисодий имкониятларни аниқ ҳисоб-китоб қилиш лозим. Муҳим ишда таваккалчилик кетмайди.

Иккинчидан, ҳисобида анчагина маблағи бўлган Бухоро электр тармоқлари, вилоят қишлоқ хўжалигини кимёлаштириш каби идораларнинг бажарилган иш учун лоақал олдиндан белгиланган миқдордаги ҳақни тўлашга шошилмаётганликларини қандай изоҳлаш мумкин? Ишловчилар маошини вақтида тўлаш ижтимоий ҳимоянинг энг яхши воситаси эканлигини, дебитор, кредитор қарз тараққиётга тўғаноқ бўлишини наҳотки ҳанузгача тушуниб етмаган бўлишса?

Ниҳоят, эндиликда туман касаба уюшма қўмитаси трестга қарашли минг нафарга яқин касаба уюшма аъзоларининг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиб, қатор идораларга тўлов муддатини эслатиб, билдириш хатлари билан чиқаётир. Биз жамоаларда бўлганимизда, тажрибали ишчилардан бири адолатли гапни айтди: қарздорликнинг юзага келишига сабабчи бўлган хўжаликлар, идора ва ташкилотларнинг раҳбарлари бир маротаба бўлса-да маошсиз қолишсин, ўшанда бизнинг аҳволимизни дилдан ҳис қилишади...

Усмон НАВРЎЗ,
«Ишонч» мухбири.

Ҳар бир жамият келажакни кўзлаб яшайди ва унинг пойдеворини мустаҳкам қуришга ҳаракат қилади. Шу нуқтаи назардан қараганда, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг қабул қилиниши буюк ютуқларимиздан бири бўлди. Асосий Қомусимизни яратиш ғояси 1990 йилнинг 20 июнида Мустақиллик Декларацияси қабул қилиниши жараёнида давлатимиз раҳбари томонидан ўртага қўйилган эди. Ўша куни Олий Кенгашнинг иккинчи сессиясида мазкур Декларациядаги муҳим тамойиллар асосида давлатнинг янги Конституциясини ишлаб чиқиш керак, деган хулосага келинди.

Абдуқаҳҳор ИБРОҲИМОВ

ҲУҚУҚИЙ КАМОЛОТ САРИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганишни ташкил этиш тўғрисидаги Фармойишини ўқиб

Ижтимоий-сиёсий тараққиётимизда ҳаётий эҳтиёж тарзида юз берган муҳим ўзгаришлар ўз навбатида сиёсий, ҳуқуқий тафаккурни бойитиб, кенгайтириб борди. Янги Конституция лойиҳаси устидаги иш қизғин давом этди. 1991 йил 12 апрелда конституциявий комиссиянинг биринчи мажлиси бўлиб ўтди. Унда Асосий Қомусимиз лойиҳасини яратиш билан боғлиқ барча жараённи мувофиқлаштириб бориш учун конституциявий комиссия аъзолари ҳамда етакчи мутахассислардан иборат Ишчи гуруҳи ташкил этилди. Шунингдек, Конституция лойиҳасининг назарда тутилаётган бўлимларини тайёрлаш учун олтита кичик гуруҳ тузилди. Мажлисда конституциявий комиссия раиси Ислом Каримов Ишчи гуруҳи олдига қуйидаги вазифаларни қўйди:

- конституциявий ривожланишнинг жаҳон тажрибаси ўрганиб чиқилсин;
- бошқа мамлакатларнинг инсон ҳуқуқлари борасида, демократия ва қонунчилик соҳасида қўлга киритган ютуқлари ҳисобга олинсин;
- кенг халқ оммаси дилига яқин ва тушунарли бўлган сиёсий юридик ҳужжатлар яратилсин.

Мазкур кўрсатмага кўра АҚШ, Франция, Канада, Германия, Швеция, Япония, Италия, Португалия, Греция, Туркия, Эрон, Ҳиндистон, Покистон, Миср, Венгрия, Болгария ва Литва давлатларининг конституциялари чуқур ўрганилди, қиёсий таҳлил этилди. Ўша кезлари Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигига кирувчи баъзи мамлакатларда янги конституциялар қабул қилинган бўлса, айримларида конституция лойиҳалари тайёрланмоқда эди. Ишчи гуруҳи Россия Федерацияси, Белорус, Украина, Қозоғистон, Қирғизистон ва Туркманистон республикаларининг Асосий Қонунлари ва конституция лойиҳаларини ўрганиб чиқди.

Янги Конституциямизнинг лойиҳасини яратишда ўзбек халқининг миллий давлатчиликка оид кўп минг йиллик тарихга эга ғоя ва фикрлари, шу жумладан, «Темур тузуклари»даги давлатни идора қилишга доир муҳим қоидалар ҳам бўлажак Қомусимизга асос қилиб олинди.

Лойиҳа пухта ишловлардан кейин икки марта умумхалқ муҳокамаси учун матбуотда эълон қилинди. Шу тариқа умумхалқ муҳокамаси икки босқичда ўтказилди. Муҳокамаларда олти мингдан ортиқ таклиф-мулоҳазалар билдирилди. Улар лойиҳанинг ихчам, лўнда, чуқур маъноли ва барчага тушунарли бўлишига хизмат қилди. Ниҳоят, 1992 йил 8 декабрда ўн иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ўн биринчи сессияси бўлди. Унда «Ўзбекистон Республикаси Конституциясини қабул қилиш ҳақида»ги масала кўрилди. Бу масала бўйича Конституция комиссияси раиси, Президент Ислом Каримов маъруза қилди. Маърузачи сессия муҳокамасига қўйилган мазкур Конституция ҳар қандай етакчи мамлакатнинг конституцияси билан беллаша олади, деб таъкидлаб ўтди. Шу тариқа депутатларнинг бир қатор таклиф-мулоҳазалари инобатга олинган ҳолда, сессияда суверен-демократик Ўзбекистон Республикасининг биринчи Конституцияси қабул қилинди.

Асосий Қомусимиз халқаро ҳуқуқнинг ҳамма томонидан эътироф этилган тамойиллари ва меъёрларига, умуминсоний қадриятларнинг устуворлигига асосланган, том маънодаги демократик конституциядир. Унда «Мустақиллик Декларацияси», «Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллиги тўғрисида Олий Кенгаш баёноти», «Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллиги асослари тўғрисида»ги Қонунда мустаҳкамланган тамойиллар, ғоялар ўз ифодасини топди, ривожлантирилди.

Конституциямиз олий даражадаги қонун сифатида давлатимизнинг қиёфасини, унинг ижтимоий, иқтисодий, сиёсий тузумини, бошқарувининг демократик тамойилларини, жамият ривожланишининг стратегик йўналишларини, фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликлари кафолатланганлигини, маънавий қадриятларимиз асосларини мустаҳкамлаб берди.

(Давоми бор).

Яхши ишлаб, яхши яшаётганлар

СУЛОЛА

Деҳқон бозорига етмасдан «Мебеллар уйи»га дуч келасиз. Бир қарашдаёқ диққатингизни тортадиган бу хушбичим уй-жой жиҳозларини оддий ҳунармандлар ясаганлигига ишонмайсиз ҳам. Диван, оромкурси, хонтахта, шифонер, стол-стуллар... ҳеч бири фабриканикидан қолишмайди.

Шаҳрисабз туманидаги Амир Темур номли хўжаликнинг «Саксонкапа» қишлоғида туғилиб ўсган ака-ука Нуъмон ва Баҳриддин Асқаровлар қўлида жило топган мебеллар харидоргирлиги билан ажралиб туради. Ҳам арзон, ҳам пишиқ.

— Устачилик ота-боболаримиздан қолган касб, — дейди Баҳриддин фахр билан. — Айниқса, ёғочга «жон» ато этадиган усталарни халқ эъзозлайди. Аммо ишни янги бошлаган кезларимиз анча қийналдик. Маҳсулотларимиз ўз эгасини топа олмай туриб қолди. Ишлаб чиқаришда илғор усулларни ишга солиб кам бўлмадик. Буюртмачилар кўпайди. Маҳсулотларимизни қўйиш учун жой топилмай қолди, ҳатто. Шунда «Наврўз» маиший хизмат уйи раҳбари Актам Тўраев ёрдам қўлини чўзди. Бизга сотиш учун алоҳида жой ажратиб берди.

Дарвоқе, «Ҳунарманд» уюшмаси туман бўлими тасарруфидаги мебелсозлар ишлаб чиқарадиган маҳсулотлар қўшни туманларда ҳам сотилмоқда. Натижада қўшимча ишчи кучига талаб ортиб, кўплаб ёшлар касбга йўналтирилаётир. Арзон, сифатли, харидоргир маҳсулотлар ишлаб чиқараётган Асқаровлар сулоласи хизматидан барча мамнун.

Асакаликлар чорвачиликни ривожлантиришга катта масъулият билан ёндошмоқдалар. Айниқса, Асака туманидаги «Ғалаба» ширкат хўжалигида қўй-қўзилар сонини кўпайтириш, қўзилатиш мавсумини уюшқоқлик билан ўтказишга етарлича тайёргарлик кўрилган эди. Натижаси эса кутилганидан аъло бўлди.

Хўжаликда ҳар 100 бош қўйдан 105 тадан қўзи олинди.

Суратда: тажрибали чўпон Зокиржон НУРМАТОВ.

Ш.ОЛИМОВ (ЎзА) олган сурат.

Юртимизда амалга оширилаётган ислоҳотлардан кўзланган мақсад, биринчи навбатда инсон турмуш шароитини яхшилашга қаратилган. Уларни амалга оширишда эса маҳаллаларнинг алоҳида ўрни бор, албатта. Шу боис маҳалла ва унинг жамият тараққиётидаги ўрнига катта эътибор берилмоқда. Бинобарин, Сариосиё туманидаги маҳаллаларда ҳам ҳар йили кенг кўламда қурилиш ва ободонлаштириш ишлари амалга оширилмоқда.

МАҲАЛЛА КУТУБХОНАСИ

Бу йил ҳам шу анъанага содиқ ҳолда туман ҳокими ташаббуси билан ҳамма маҳаллаларда ҳашарлар уюштирилмоқда.

Тумандаги И.Диёров номли ширкат хўжалиги «Қорасув» маҳалласида ҳам ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш уюшқоқлик билан ташкил этилди.

— Оилалар тинч ва фаровон турмуш кечириши, фарзандларимизнинг етук, баркамол бўлиб етишишида маҳалланинг ўрни беқиёс, — дейди «Қорасув» фуқаролар йиғини раиси Ислом Раҳимқулов. — Маҳалламиз аҳли бир-бири билан иноқ. Шу аҳиллилигимиз туфайли куни-кеча маҳалламизнинг 50 йиллик тўйини катта шодиёна билан ўтказдик. Кексаю ёш дастурхон атрофидан жой олиб истиқлол берган неъматлардан баҳраманд бўлдик. Азиз ва мўътабар оналарга, опа-сингилларимиз ва фарзандларимизга ҳурмат бажо келтирдик.

Дарвоқе, маҳаллада яшовчи фуқароларни ижтимоий ҳимоялаш ишларига ҳам алоҳида эътибор қаратилган. Ўтган йили кам таъминланган ва кўп болали 24 оилага 435 минг сўмлик моддий ёрдам кўрсатилди.

Маҳалла аҳлига иккита озиқ-овқат дўкони хизмат кўрсатаётир. Қариялар учун алоҳида чойхона қурилиб ишга туширилди. Кутубхона, сартарошхона ва пойабзал таъмирлаш устахоналари эл хизматида. Бу ишларнинг барчаси маҳалла аҳли ҳамжиҳатлигининг самарасидир.

Тўлқин ЖАЛИЛОВ, «Ишонч» мухбири.

ЯНГИ АВТОСЕРВИС КОРХОНАСИ

Андижонда тадбиркор Отабек Шамсиддинов ташаббуси билан ташкил этилган янги «Интертехавтосервис» корхонаси иш бошлади. Корхона илғор хорижий андозалар даражасидаги махсус диагностика ва лазер-компьютер ускуналари билан жиҳозланган. Усталар ихтиёрида автомобил двигателидан чиқадиган газлар миқдори ва таркибини тартибга соладиган асбоблар мавжуд. Уларнинг барчаси Жанубий Кореядан келтирилган. «Интертехавтосервис» раҳбари билан «ДЭУ» компанияси вакиллари ўртасида ўзаро фойдали шартнома тузилган. Бу ерда 20 нафар малакали уста иш билан таъминланди. Келгусида автомобилларга куну тун хизмат кўрсатишни йўлга қўйиш режалаштирилмоқда.

(ЎзА).

МАРКАЗНИНГ САВОБЛИ ИШЛАРИ

Ногирон болалар саломатлигини тиклаш йўлида кўрсатилаётган ғамхўрликлар, тиббий муолажалар ижобий самара бераётгани бизга яхши маълум. Хаста болаларга кўрсатилаётган бу каби ёрдамларни таълим-тарбия жараёни мисолида ҳам кўришимиз мумкин.

Республикамиз пойтахтида ногирон болалар марказининг ташкил топиши ҳам бу борада муҳим ижтимоий аҳамият касб этди. «Пегас ал-фалак» деб номланган бу марказ ногирон болалар таълимини йўлга қўйиш билан боғлиқ маърифий-амалий тадбирлар билан яқиндан шуғулланади.

Кўриладиган бу каби саъй-ҳаракат ногирон болаларни боғча, мактабларга жалб этишда муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

Бундай таълимий жараёнлар самарадорлигига эришиш мақсадида марказ театр, мусиқа, расм ва спорт студияларини очишни режалаштирди. Айни бир вақтда бола ногиронлигини даволаш, тиббий хизмат кўрсатиш, дам олишини ташкил этиш бўйича режа тадбирлари ҳам ишлаб чиқилди.

«Пегас ал-фалак» фаолиятини кенг йўлга қўйишда ҳомий ташкилотлар яқиндан ёрдам бермоқдалар. Яқин кунларда янги марказ ўзининг мустаҳкам ўқув негизига ҳам эга бўлади.

А.АЛИЕВ.

Ҳукм ўқилди

ВАҲШИЙЛИК

Пул васвасасига учган бир муртад азиз инсонлар ўлимига сабабчи бўлди

Эр-хотин Абдуманноб билан Наргизахоннинг, ҳали она сути оғзидан кетмаган гўдакнинг даҳшатли ўлими бутун Хўжаободни, айниқса, Ордай қишлоғи аҳлини бир зум карахт ҳолга келтирди. Абдуманноб Абдувоҳидов «Дўстлик» ширкат хўжалигининг энг ишчан ва моҳир механизатори, Наргизахон эса яхши хулқ-одоби билан ҳамқишлоқларининг меҳру муҳаббатини қозонишган эди. Эр-хотин жуда аҳил, бинобарин, бахтли яшашар, не умидлар билан 3 ёшли ўғилларини тарбиялардилар.

Маҳалладагилар тонг ғира-ширасида Наргизахонни кўчада, Абдуманнобни дарвоза олдида, ўғилчаларини эса уй ичида қонга беланган аҳволда кўрдилар. Учови ҳам болта билан чопиб ташланган эди...

«Ҳеч кимга ёмонлик қилмаган, ёмонликни раво кўрмаган бу ёш оиланинг гуноҳи нима эди? Уларнинг ўлими қайси қонхўрга керак бўлиб қолди экан?!» дея куйинишар, ғазабланишар, асабийлашарди одамлар.

Таъзияда бутун Ордай иштирок этди. Ёш боладан тортиб, саксон-тўқсон яшар қарияларгача кўз ёш тўкди, қотилни қарғашди, унга жазо тилашди.

...Шу қишлоқлик Ҳасанбой Дўсанов ўша мудҳиш қотиллик юз берган кун тонг отарда қайнонасиникига кириб борди (у хотини Сабоҳатни бир кун олдин «онангникига бориб ёт» деб, уч боласи билан жўнатиб юборган эди). У ердан хотинини олиб, Булоқбошидаги чайқов бозорига жўнади.

— Менинг давримда бир яйраб қол, хотин. Ўзинг билан болаларингга нима зарур бўлса, пулига қарамай ол!

— Вой, дадаси, кечагина носқовоққа нос борми деб юрувдингиз-ку?

— Мана, қўйин-қўнжим тўла пул! Доллар дейсанми, қирғиз сўмими, ўзимизнинг пул дейсанми! - у даста-даста пулларни кўз-кўз қилди, - узумини егину боғини суриштирма.

Улар бозорда салкам 70 минг сўмлик нарса сотиб олишди. Ҳасанбой такси ҳайдовчисига ҳам ҳотамтойларча бир даста пул узатди:

— Бизни Ордайга ташлаб қўясиз!

Улар йўлда кетишаркан, ҳайдовчи шунчаки янги гап айтган бўлди:

— Ўша сизлар бораётган қишлоқда бу кеча ёшгина эр-хотинни ваҳшийларча ўлдириб кетишибдими? Уч яшар боласиниям омон қолдиришмабди имонсизлар!

Ҳасанбойнинг ранги қув ўчиб, бир нуқтага тикилганча тахта бўлди-қолди. «Наҳотки бу хабар дарров Булоқбошигача етиб келган бўлса?»

— Сиз қишлоқдаги уйимизда қолувдингиз, хабарингиз бўлмадими? Ҳой, дадаси?

Ҳасанбойнинг қулоғига гап кирмасди. Хотинининг турганини ҳам пайқамади. Уйига кирар-кирмас, томга чиқиб, пул тўла икки тугунни ғўзапоя ғарамининг ичкарисига тиқиб қўйди. Аёлнинг сумкаси билан ўзининг қон сачраган шим, жемпер, кўйлакларини қўйнига тиқиб, қайнонасиникига югурди ва ҳожатхонага ташлади... Учинчи кун деганда... милиция ходимлари унинг қўлига кишан солдилар.

...Хўжаобод туманидаги «Дўстлик» божхона постига яқин жойда Қирғизистоннинг пул алмаштириш шоҳобчаси очилган бўлиб, Наргизахоннинг Ўшда яшовчи онаси ўша ерда ишларди. Наргизахон ҳар куни шу ерга келиб, онасига ёрдамлашар, кечки пайт эса алмаштиришга тегишли пулларни уйига олиб келарди.

Нафснинг қулига айланган Ҳасанбой Дўсанов буни кўпдан кузатиб юрар, фикри-зикри ана шу мўмай пулни қўлга киритиш бўлиб қолганди. Охири, Наргизахоннинг сумкаси қаппайган ҳолда қайтган кунларнинг бирида белига ўткир болтани қистириб, Абдуманнобнинг ҳовлисига ўтди. Бу вақтда тун оғиб қолган, эл маст уйқуда эди.

— Абдуманноб, ҳой Абдуманноб! - эшикни тақиллатди у.

Тўнни елкага ташлаб, уйқусираган Абдуманноб чиқди.

— Шу сенинг дарвозанг олдига келганда мотоциклимнинг калити тушиб қолди. Шошиб турибман. Калитни топишга ёрдам бер-вор, ука!

Бировнинг хизматига ҳамиша камарбаста бўлиб келган Абдуманноб дарвоза олдида калит излагани энгашган ҳам эдики, бўйни аралаш бошига болта урилди. У ҳали ўзини ўнглашга, додлашга улгурмай, яна ва яна зарбаларга дуч келаверди.

Эридан хавотир олиб ташқарига чиққан Наргизахон қоронғуда нима бўлаётганини фаҳмлашга улгурмай, ваҳшийнинг чангалига тушди. Ҳасан уни томоғидан олиб, пулни топиб чиқишни талаб қилди. Наргиза қаршилик кўрсата бошлаганида эса, боши ва юзига устма-уст болта урилаверди. У хотинни ҳам тинчитдим деб ўйлаб, ичкарига йўналган эди, аёл жон ҳолатда ўрнидан туриб, додлаганча кўчага югурди. Ҳасанбой унга етиб олди-да, ваҳшийликни охирига етказди.

Қотил уйга кириб, ҳамма ёқни титиб юборди, охири сандиқдан «семиз» сумкани топди.

— Ҳой, тоға, аямнинг сумкасини қаёққа олиб кетяпсиз?

Ҳасан ёнида турган болакайга бир зум бақрайиб қаради-да, яна болтани қўлига олди...

...Жиноятчи ҳамиша ўзидан бирор из қолдирмасликка ҳаракат қилади. Лекин Ҳасан Дўсанов яширган излар оз фурсатдаёқ тергов ходимларини Ордай қишлоқ, Бадалов кўчасидаги 150-уйга бошлаб келди. Уйдан жами 658,5 минг сўм ўзбек пули, анчагина қирғиз сўми, шунингдек, маълум миқдорда қора дори ҳам топилди.

Рад этиб бўлмас далиллар қошида қотил ўз жиноятига иқрор бўлди. Вилоят суди уни олий жазога ҳукм қилди.

М.ҲАСАНОВ, Андижон вилоят суди судьяси, М.АБДУКАРИМОВ, «Ишонч» мухбири.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТОМОНИДАН РАТИФИКАЦИЯ ҚИЛИНГАН ХАЛҚАРО МЕҲНАТ ТАШКИЛОТИНИНГ КОНВЕНЦИЯЛАРИ

100-Конвенция

Бир хил қийматга эга бўлган меҳнат учун эркаклар ва хотин-қизларни тенг рағбатлантириш тўғрисидаги 1951 йил Конвенцияси (қисқача мазмуни)

Ушбу Конвенция қоидаларига мувофиқ рағбатлантириш — тадбиркор томонидан меҳнатчиларга уларнинг бирор-бир ишни бажарганликлари эвазига бевосита ёки билвосита пул ёки маҳсулот тарзида бериладиган оддий, асосий ёки энг кам миқдордаги иш ҳақи ёхуд оддий, асосий ёки энг кам миқдордаги ойлик ҳамда бошқа ҳар қандай рағбатлантиришдан иборатдир.

Бир хил қийматдаги меҳнат учун эркаклар ва хотин-қизларни тенг рағбатлантириш жинсига қараб камситишларсиз белгиланадиган рағбатлантириш ставкаларига таллуқлидир.

Ушбу принцип

- ёхуд миллий қонунлар;
- ёхуд миллий қонунлар томонидан ўрнатилган ёки тан олинган рағбатлантиришни белгилаш тизимлари;
- ёхуд тадбиркорлар ва меҳнаткашлар ўртасидаги жамоа шартномалари;
- ёхуд юқорида кўрсатилган ҳар хил усулларни биргаликда қўллаш орқали татбиқ этилиш мумкин;

Конвенция қоидаларига мувофиқ бажарилган иш учун рағбатлантириш ставкаларини холис баҳолаш чоралари қўлланилиши мумкин. Бундай баҳолаш усуллари рағбатлантириш ставкаларини белгилаш соҳасида ваколатли бўлган ҳокимият қарори билан ёхуд жамоа шартномаларида, агар рағбатлантириш ставкалари шундай шартномалар билан белгиланадиган бўлса, қатнашувчи томонлар тарафидан белгиланади.

Жинсидан қатъий назар бажариладиган ишни холис баҳолашдан келиб чиқадиган фарққа мос бўлган рағбатлантириш ставкаларидаги фарққа бир хил қийматдаги меҳнат учун эркаклар ва хотин-қизларни тенг рағбатлантириш принципига зид келувчи фарқ сифатида қаралмайди.

Ўзбекистон КУФК меҳнаткашлар ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш бўлимининг шарҳи.

Ушбу Конвенция Ўзбекистон Республикаси томонидан 1997 йил 30 августда ратификация қилинган.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 46-моддасида: «Хотин-қизлар ва эркаклар тенг ҳуқуқлидирлар» дейилган.

Меҳнатга оид муносабатларда камситишнинг тақиқланиши Меҳнат кодексининг 6-моддасида белгилаб қўйилган: «Барча фуқаролар меҳнат ҳуқуқларига эга бўлиш ва улардан фойдаланишда тенг имкониятларга эгадир. Жинси, ёши, ирқи, миллати, тили, ижтимоий келиб чиқиши, мулкий ҳолати ва мансаб мавқеи, динга бўлган муносабати, эътиқоди, жамоат бирлашмаларига мансублиги, шунингдек ходимларнинг ишчанлик қобилиятларига ва улар меҳнатининг натижаларига алоқадор бўлмаган бошқа жиҳатларга қараб меҳнатга оид муносабатлар соҳасида ҳар қандай чеклашларга ёки имтиёзлар белгилашга йўл қўйилмайди ва булар камситиш деб ҳисобланади».

ҲУҚУҚИЙ МАСЛАҲАТХОНА

ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ. ОЛИЙ БАХТ



НИКОҲ ТУЗИШНИНГ ИХТИЁРИЙЛИГИ

Никоҳ тузиш ихтиёрийдир.

Никоҳ тузиш учун бўлажак эр-хотин ўз розилигини эркин ифода этиш қобилиятига эга бўлиши керак. Никоҳ тузишга мажбур қилиш тақиқланади.

1.Оила кодексининг 14-моддасида белгиланишича, никоҳ тузиш ихтиёрий равишда амалга оширилиши лозим.

Никоҳ эркак билан аёл ўртасидаги тенглик ва ўзаро ҳоҳиш асосида тузилган эркин иттифоқ бўлиб, мақсади оила қуриш, фарзанд кўриш, уларни жамиятнинг муносиб кишилари қилиб тарбиялашдан иборат. Никоҳланувчиларнинг ўзаро розилиги никоҳ тузишнинг муҳим шартларидан биридир.

Никоҳнинг ўзаро розилик ва ихтиёрий асосда тузилиши оиланинг барқарор ва мустаҳкам бўлишига ҳам имконият яратади.

Эркак ва аёлнинг ўзаро розилиги билан никоҳ тузилганлигининг аҳамияти ва муҳимлиги БМТ Бош Ассамблеясининг «Инсон ҳуқуқлари Умумжаҳон декларацияси»да ҳам таъкидлаб ўтилган.

Декларациянинг 16-моддасида шундай дейилади: «Никоҳ, никоҳдан ўтаётган иккала томоннинг хоҳиши ва батамом розилиги билангина тузилиши мумкин».

2.Никоҳнинг эркин тузилиши учун берилган розилик чинакам бўлиши лозим; у қўрқитиш, зўрлик, алдаш ёки ниқоҳланувчининг бири ёхуд ҳар иккаласига руҳан таъсир этилган ҳолатда мажбур қилиш тақиқланади.

Тажрибада зўрлаш, қўрқитиш ёки алдаш каби хатти-ҳаракатлар кўпроқ тор ва қолоқ дунёқараш оқибатидан келиб чиқади. Эски урф-одатлардан халос бўлмаган шахслар никоҳга кирувчиларнинг, кўп ҳолларда қизларнинг розилигини олмай, олдиндан фотиҳа қиладилар, қалин оладилар, ёшларни севмаган кишиларига турмушга чиқишга мажбур қилиб, уларнинг бахтига зомин бўладилар. Бундай хатти-ҳаракатлар кўпинча эскилик сарқитлари, турли хил салбий қарашлар онгида чуқур ўрнашиб қолган кишилар ўртасида учрайди. Зўрлаш, қўрқитиш, алдаш ким томонидан — никоҳга кирувчилардан бири, ота-онаси, қариндош-уруғлари томонидан содир этилган бўлмасин, барибир, никоҳнинг ҳақиқий эмас, деб топилишига сабаб бўлади.

Никоҳга киришнинг ўзаро розилик асосида бўлиши шартининг бузилиши унинг ҳақиқий эмас деб топилишигагина эмас, балки ғайриқонуний хатти-ҳаракат содир этиб, никоҳга киришга зўрлаган, алдаган ва қўрқитган шахсларни жиноий жавобгарликка тортишга ҳам асос бўлади.

Ўзбекистон Республикасининг амалдаги Жиноят кодекси 136-моддасида қуйидагича белгиланган: «Аёлни эрга тегишга ёки никоҳда яшашни давом эттиришга мажбур қилиш ёхуд аёлнинг эркига хилоф равишда у билан никоҳда бўлиш учун ўғрилаш,

Жамият ва оила

шунингдек, аёлнинг эрга тегишига тўсқинлик қилиш — энг кам ойлик иш ҳақининг йигирма беш бараваригача миқдорда жарима ёки уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд олти ойгача қамоқ билан ёки уч йилгача озодликдан маҳрум этиш билан жазоланади».

НИКОҲ ЁШИ

Никоҳ ёши эркаклар учун ўн саккиз ёш, аёллар учун ўн етти ёш этиб белгиланади.

Узрли сабаблар бўлганда, алоҳида ҳолларда никоҳга киришни хоҳловчиларнинг илтимосига кўра никоҳ давлат рўйхатидан ўтказиладиган жойдаги туман, шаҳар ҳокими никоҳ ёшини кўпи билан бир йилга камайтириши мумкин.

1.Оила кодексининг ушбу моддасига мувофиқ никоҳ ёши эркаклар учун ўн саккиз ёш, аёллар учун ўн етти ёш этиб белгиланади.

Қонунда фақат неча ёшдан бошлаб никоҳга кириш мумкинлиги белгиланган, аммо неча ёшдан бошлаб никоҳ тузиш мумкин эмаслиги белгиланмаган, шунга кўра, никоҳдан ўтувчиларнинг ёшларидаги катта фарқ никоҳ тузишга монелик қилмайди.

Аммо бизнинг мамлакатимизда никоҳдан ўтувчиларнинг ёшлари ўртасидаги катта фарқ камайиб бораётгани сезилмоқда.

Бу ёшда эркак ва аёллар физиологик етилиб, маънавий ва жисмоний жиҳатдан ўсиб, ота-она бўлиш қобилиятига эга бўладилар.

Фуқаролик кодексининг 22-моддасига кўра вояга етгунга қадар қонуний асосда никоҳдан ўтган фуқаро никоҳдан ўтган вақтдан эътиборан тўла ҳажмда муомала лаёқатига эга бўлади.

Никоҳ тузиш натижасида эришилган муомала лаёқати ўн саккиз ёшга тўлмасдан туриб никоҳ тугатилган тақдирда ҳам тўла сақланиб қолади.

Никоҳ ҳақиқий эмас деб топилганда ҳам вояга етмаган эр (хотин) тўла муомала лаёқатини сақлаб қолади.

Амалдаги оила қонунларида белгиланган никоҳ ёшига риоя қилмасдан ғайриқонуний равишда никоҳ муносабатида бўлиш ҳар хил ҳуқуқий оқибатларни вужудга келтириши мумкин. Бундай никоҳ ҳақиқий эмас деб топилиб, тегишли шахсий ва мулкий оқибатларни келтириб чиқариши мумкин. Бу ҳолат, ҳаттоки, жиноий оқибатларга ҳам олиб бориши мумкин. Жиноят кодексининг 98-моддасига биноан, никоҳ ёшига етмаган шахс билан никоҳда бўлиш — бир йилгача муддатга озодликдан маҳрум қилиш ёки шу муддатгача ахлоқ тузатиш ишига ҳукм этиш билан, жинсий жиҳатдан етилмаган шахс билан никоҳда бўлиш уч йилгача муддатга озодликдан маҳрум қилиш ёки икки йилгача муддатга ахлоқ тузатиш ишига ҳукм этиш билан жазоланади.

2.Олдинги ҳолатга ўхшаб қонун айрим фавқулодда ҳолларда никоҳ тузувчиларга никоҳ ёшини камайтиришга ҳам йўл қўяди.

Амалдаги қонунга биноан узрли сабаблар бўлганда, алоҳида ҳолларда никоҳ тузишни хоҳловчиларнинг илтимосига кўра никоҳ давлат рўйхатидан ўтказиладиган жойдаги туман, шаҳар ҳокими никоҳ ёшини кўпи билан бир йилга камайтириши мумкин.

Никоҳ ёшини камайтириш никоҳ тузишни хоҳловчиларнинг иккаловига ҳам тенг тегишлидир. Биринчи навбатда эса аёлнинг ҳомиладорлик ва бола туғиш ҳоллари ҳисобга олинади.

Бундай масалани ҳал қилишда Фуқаролик кодексининг 28-моддасида белгиланган — ўн олти ёшга тўлган вояга етмаган шахс меҳнат шартномаси бўйича ишлаётган бўлса ёки ота-онаси, фарзандликка олувчилари ёхуд ҳомийсининг розилиги бўйича тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланаётган бўлса, унинг тўла муомалага лаёқатли деб эълон қилиниши ҳам назарга олинмоғи лозим.

ВОЯГА ЕТМАГАНЛАР ДИҚҚАТ МАРКАЗИДА

Бугунги кунда ўсмир ёшларнинг маънавий-маърифий онгини ўстириш, ичкиликбозлик, гиёҳвандлик, диний ақидапарастлик каби зарарли оқимлар таъсирига тушиб қолишининг олдини олиш энг муҳим вазифалардан бири бўлиб турибди. Зеро, мамлакатимиз аҳолисининг каттагина қисмини ўсмир ёшлар ташкил этади. Улар ижтимоий, ҳуқуқий, сиёсий, маънавий ва маърифий ҳаётдан четда қолмаслиги керак. Шу боис Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиянинг 2000-2005 йилларга мўлжалланган тадбирлар дастури ҳаётга изчиллик билан тадбиқ этилмоқда. Унда бу борада давлат ва нодавлат ташкилотлари олдида турган муҳим вазифалар мажмуи белгилаб берилган.

Дастурга мувофиқ республика Маънавият ва маърифат Кенгашининг Андижон вилояти Асака шаҳрида «Маънавият ва мафкуравий тарбия: вояга етмаганлар билан ишлашда маънавият ва маърифат ходимларининг вазифалари» мавзуида минтақавий илмий-амалий семинар бўлиб ўтди. Унда Андижон, Фарғона, Наманган вилоятлари шаҳар ва туманлари маънавият ва маърифат кенгашларининг масъул котиблари иштирок этди.

Семинарда Давлат дастурининг бажарилиши ҳамда ўсмир ёшлар билан ишлаш борасида тўсиқ бўлиб турган масалалар, уларни бартараф этиш йўллари хусусида мунозаралар бўлиб ўтди. Маънавият ва маърифат ходимлари учун вояга етмаганлар билан ишлашда илғор усул ва таъсирчан кўргазмали воситалардан самарали фойдаланиш бўйича тавсиялар берилди.

(ЎзА).

ФОТОАЙБНОМА



Пойтахтимиз Тошкент кундан-кунга чирой очиб бормоқда. Унда бирин-кетин қад ростлаётган биноларни кўриб, кўзингиз қувнаб, дилингиз яйраб кетади. Бироқ, бу қувончларга соя солаётган айрим жиҳатлар ҳам йўқ эмас. Шайхонтоҳур туманидаги Зулфияхоним кўчасида катта йўл 5-6 ой мобайнида таъмирланди. 600-700 метр масофани ўз ичига олган йўлдан транспорт бирин-кетин қатнай бошлади.

Афсуски, «янгигина» таъмирдан чиқарилган бу йўл эндиликда кишини анча таажжубга қўймоқда.

Суратларда: пойтахтнинг Шайхонтоҳур туманидаги Зулфияхоним кўчасида янги таъмирдан чиқарилган катта йўл кўринишидан лавҳалар.

Алишер РИСҚИЕВ (ЎзА) олган суратлар.

Саволингизга мутахассис Йўлдош АҲМЕДОВ жавоб беради.

Савол: Президентимизнинг 1995 йил 16 августдаги Фармонига асосан биз мактаб ўқитувчиларига 15 фоизли рағбатлантириш берилиши кўзда тутилган. Лекин негадир Фармон ижроси туманимизда таъминланмаяпти. Шу тўғрими?

Рашид Набиев, Бухоро тумани, 4-ўрта мактаб ўқитувчиси.

Жавоб: Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1995 йил 16 августдаги №11-1213 рақамли Фармони асосида 1996 йил 1 январдан Халқ таълими муассасалари ва ташкилотларида ишловчи ходимларни моддий рағбатлантирувчи махсус 15 фоизли фонд ташкил қилинган бўлиб, бу пул республика бюджети маблағидан тўлаб борилади. 15 фоизли рағбатлантириш ҳар бир ходимнинг таълим-тарбия беришда ва иш фаолияти натижаларига қараб ҳисобот даврида, юбилей ҳамда байрамларда бериб борилади. Меҳнат интизомини бузган, ишида қўпол хатоликларга йўл қўйган ва бошқа камчиликлар учун бу маблағ қисман ёки тўлиқ берилмаслиги мумкин.

АЙБИ БОРНИНГ ОЕҒИ ҚАЛТИРАР

Шаҳрисабз туман Давлат солиқ инспекцияси ходимлари «Улгуржисавдо» ҳиссадорлик жамиятига қарашли 15-дўконга киришганда негадир мудир Азамат Жабборов бироз саросимага тушиб қолди. Бу ҳол солиқчиларни сергак торттирди ва улар харидорлар сотиб олган маҳсулотларнинг ҳисоб-китоби билан танишмоқчи бўлишди.

— Шуҳратжон Муродовман, тумандаги Мўминобод қишлоғида яшайман, - деб таништирди ўзини улардан бири. — Керак эди, шунинг учун бу ердан 10 шиша ароқ сотиб олдим.

Дарҳол харид суммаси чўтга ташланди. Буни қарангки, дўкон мудири ҳар бир шиша ароқнинг белгиланган нархи устига 86 сўмдан ортиқча нарх қўйиб, харидордан 860 сўм уриб қолибди. Сотувчи солиқчиларни кўрганидаёқ ўзини ғалати тутганининг боиси ҳам шундан экан-да. Юлғичнинг тавбаю тазарруси инобатга олинмади. Барча ҳужжатлар расмийлаштирилиб, ЎзРЖКнинг 180-моддаси 1-қисми билан жиноят иши қўзғатилди.

ҲАРАКАТДА БАРАКАТ

Қарздорлик корхона ва ташкилотларнинг молиявий хўжалик аҳволини оғирлаштириш билан бирга, ишчи-хизматчиларнинг ойлик маоши ўз вақтида берилмаслигига сабаб бўлади.

Қарши шаҳридаги 1-темир-бетон маҳсулотлари корхонасининг бугунгача давлат бюджети олдидаги қарзи 64,7 миллион сўмни ташкил этди. Қамаши туманидаги «Ҳисораксувқурилиш» трестига қарашли «Қурилиш» корхонаси, Ғузор туманидаги 245-хўжаликлараро механизациялашган кўчма жамланмаси, Яккабоғ туманидаги 85-автокорхона ҳам давлат бюджетидан катта миқдорда қарздор бўлиб қолаётир. Бу қарзларнинг устига юкланаётган қўшимча жарималар мутасаддиларнинг салгина бўлса-да, жонларини койитишларига олиб келса кошкийди. Мазкур ташкилотларнинг раҳбар, иқтисодчилари ва мутахассислари бу аҳволни ўнглаш учун жуда кеч ҳаракатга тушдилар.

Ҳар ҳолда излаган имкон топади. Кейинги уч ой мобайнида огоҳлантириш хати берилганлиги боис, 1976 та корхона қарздорликдан қутулиш йўлларини топиб, 20 миллиард сўмдан ортиқ қарзни тўлаб берди.

ЯНА ПАТТА ХУСУСИДА

Республика Вазирлар Маҳкамасининг бозорлар фаолиятини такомиллаштириш ва маҳсулотлар сотиш учун зарур шарт-шароитлар яратишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисидаги қарорининг бажарилиши юзасидан режали текшириш ҳамда рейдлар ўтказилди.

Сабоқ

Қарши шаҳридаги «Тижорат бозори» очиқ ҳиссадорлик жамиятида ўтказилган кузатув-текширувида кунлик патта тушуми 27 минг 930 сўмга, деҳқон бозорида эса 34 минг 580 сўмга ўсди.

Чироқчи туман очиқ ҳиссадорлик жамиятига қарашли 8 та бозорда патта пули 199 минг 720 сўмга кўпайди.

Нишон, Деҳқонобод, Қамаши туманлари бозорларида ўтказилган текширишларда ҳам бир ҳафталик патта тўлаш қонун-қоидалари бузилганлиги ҳамда бозор даромадининг тегишли қисми номаълум сабабларга кўра давлат бюджетига кечикиб тушаётганлиги аниқланди.

Юқорида тилга олинган туманларнинг бозор маъмуриятлари аниқланган камчиликлардан тўғри хулоса чиқарадилар деган умиддамиз.

М.ҲАЙИТОВА, «Ишонч» мухбири.

OLAMDA

ҚОҲИРА. Араб давлатлари лигаси (АДЛ) Бош котиби Исмат Абдулмажид Исроил ҳарбий-ҳаво кучларининг Фаластин иншоотларига зарба берганини кескин қоралади. Бундай ҳаракат яҳудийларнинг фаластинликларга қарши уруш бошлаганидан дарак беради, деди АДЛ Бош котиби. Унинг айтишича, араб давлатлари Фаластиннинг ўзини ҳимоя қилиш борасидаги барча хатти-ҳаракатини маъқуллайди.

* * *

КИНШАСА. Уругвайлик 110 нафар ҳарбий Конго Демократик Республикасининг (КДР) Гома шаҳрига келди. Улар бу ерда БМТ кучлари билан ҳамкорликда ўтказиладиган тадбирларида иштирок этади. Хабарларга қараганда, КДРга яқин кунларда Сенегал, Марокаш ва Жанубий Африка Республикаси ҳарбийлари ҳам келади.

* * *

САН-САЛВАДОР. Салвадорда яна зилзила юз берди. Унинг кучи Рихтер ўлчови бўйича 5,4 баллдан юқори бўлган. Ҳозирча табиий офатдан 'қанча одам қурбон бўлгани маълум эмас.

Салвадорда йил бошидан буён етти мингдан ортиқ зилзила юз берди. Энг кучли силкиниш эса 13 январда содир бўлган. Унинг кучи 7,6 баллга етганди.

* * *

ЛУСАКА. Руандада 1994 йилги қатағонда қурбон бўлганларга бир ҳафталик мотам эълон қилинди. Шу муносабат билан мамлакатнинг барча ҳудудларида турли намойишлар ва қурбонларни хотирлаш маросимлари ўтказилади.

Руанда тарихидаги энг машъум бу воқеалар 1994 йилнинг апрелида бошланган эди. Ўшанда кўпчиликни ташкил қилган хуту элатига мансуб одамлар кам сонли тутсиликларга қарши оммавий қирғин бошлаганди. Уч ойга чўзилган қирғин вақтида ярим миллионга яқин одамнинг ёстиғи қуриган.

* * *

ВИНДХУК. Ангола ҳукумати УНИТА раҳбари Жонас Савимби билан тинчлик музокаралари ўтказиш имконияти ҳозирча йўқлигини маълум қилди. Мамлакат Миллий ассамблеяси (парламент) вакили Жулиу Матеуш Паулунинг айтишича, айирмачиларнинг ўзлари музокараларни ортга сураётир. Яъни сиёсий мулоқотга киришиш учун УНИТА жангарилари тўла қуролсизланиши лозим.

* * *

КАРАКАС. Венесуэла президенти Уго Чавес 13-15 май кунлари расмий ташриф билан Россияда бўлади. У ташриф доирасида президент Владимир Путин ва бошқа расмий кишилар билан учрашувлар ўтказади. Музокараларда икки мамлакат алоқаларини ривожлантириш ва дунёвий хавфсизлик билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинади.

* * *

БРЮССЕЛ. Европа Иттифоқи кенгаши Бош котиби, тузилманинг ташқи сиёсат ва хавфсизлик масалалари бўйича олий комиссар Хавьер Солана Югославия президенти Слободан Милошевичнинг ҳибсга олинганини маъқуллаб, мамлакатда демократия сари яна бир муҳим қадам ташланганини таъкидлади. Унинг айтишича, ҳарбий жиноятларда айбланаётган собиқ раҳбарнинг судга топширилиши Югославияда кўп йиллардан буён давом этаётган тартибсизликлар ва коррупциянинг тугатилишига олиб келади.

(ЎзА)

NIMA GAP

БУ АРМОНЛИ ҚЎЛЛАР

сценарий

Газетамизнинг доимий муаллифи Ҳамидулла Акбаровнинг янги сценарийси — «Бу армонли кунлар»ни Достон студияси қабул қилди. Машҳур режиссёр Даврон Салимов уни экранлаштириш тараддудида.

Мазкур сценарийни газетамиз саҳифасида чоп этишимизнинг икки сабаби бор: бири муаллиф инсон қўлини меҳр, ҳис-хаяжон билан таърифлашга ёрдам берадиган бадиий шакл топганида бўлса, иккинчиси ҳужжатли кинонинг адабий асоси билан илк бор муштарийларни таништириш, бинобарин, уларни бадиий ижоднинг мураккаб соҳаларидан бири бўлмиш образли кинопублицистикада содир бўлаётган воқеалардан воқиф этишдир.

Инсон туғилди.

У Ёруғ дунёни кўрди.

Шифокорнинг, ҳамширанинг иссиқ кафти унга момиқдек тўшак, пар ёстиқ, замин, макон бўлгандек. Ўша қўл чақалоқнинг дўмбоққина орқасига аста, эркалаб шапати урганида илк бор «инга» дегани ҳамда шу дамда жарангли овозига «жўр» бўлган жажжи қўллари, бармоқларини темир қанот сингари ёйгани ҳам завқ бермайдими?!

У она сутидан баҳраманд бўлган чоғда ҳам волидаи меҳрибонининг қўлини, узун, нозик бармоқларини сезиб тураги. Оппоқ сийнасини кафти, бармоқлари қўмагида чақалоққа тутган дамларини, гўзал манзараларни не мусаввирлар ранг, чизиқ, хилма-хил шаклларда, портретларда таърифламаган дейсиз!

Чақалоқ дастлабки кунларданоқ жажжи қўлларини ўша ҳаёт манбаига узатади. Уни топади ҳам. Очилмаган ғунчадек оғзи билангина эмас, бармоқлари билан ҳам она ато этган шарбатдан баҳраманд бўлаётгандек! Бу дамларни узоқ кузатамиз. Роҳатланаётган она-болани ҳоли қолдирамиз. Зеро эгизак боланинг онага ташналиги, ундан миннатдорлиги, ҳайратга келиши она сийнасини жажжи бармоқлари билан қучоқлашида кўзга ташланади. Онанинг чексиз меҳри эса нигоҳларидагина эмас, икки қўли билан чақалоқни авайлаб кўтаришида, бағрига босишида, нозик бармоқлари билан бола юзини силашида ҳам кўринади.

Лекин худди шу дамда қўллар, инсон қўли нималарни қилмайди, дейсиз!?

Лом, кика, кетмон ушлаган қўллар.

Меҳнат қуролларини кўтариб зарб билан ураётган, муз чопаётган, занг ерни ўзлаштирмоқчи бўлган, бетонни ўйиб кимнидир қутқармоқчи бўлган қўллар.

Автомат ўқини бирма-бир тераётган, уларни «магазин»га жойлаётган, сўнгра ажал қуролига ўрнатаётган қўллар, бармоқлар...

Операция қилаётган, кимнидир оёқдан, кимнидир қўлдан жудо этишга мажбур бўлаётган жарроҳларнинг меҳрли, айни бир вақтда шифобахш қўлларини бизнинг чақалоқ туғилиб «ингаси»ни, кайфиятини, хоҳишини, гинасини овоз билангина эмас, қўлларининг бетартиб ҳаракати билан билдираётган дақиқаларда кўрамиз.

У юриб ҳам кетди.

Биринчи қадамлари ҳам қўлнинг кўмагида қўйилди. Дорвоз дорга чиққанида лангарни — катта, оғир ёғочни кўтариб мувозанатини сақлаганидек, ёшига тўлар-тўлмас мустақил қадам ташлаган болакай ҳам қўлларини кенг ёйиб мувозанатини сақламоқда. Уни уйнинг нариги четидаги она, унинг қўллари кутиб туради. Қоқилган, қадамидан адашган фарзандини дарҳол кўтариб олади бу қўллар, йиқитмайди, азоб бермайди, тиклаб қўяди, оёқлар кучга тўлмагунича, ақл камол топмагунича, қувватли билак қудратини кўрсатмагунича бу меҳрли, нозик қўллар уни қўллаб келади... Ундан кейин ҳам. Қаранг, балоғатга етган йигитчанинг кўйлагини юваётган, дазмол босаётган, галстукнинг тугунини созлаётган фарзандига (у ҳали бола онасига!), кийгизаётган онанинг қўлларини!

(Давоми бор).



Наманган шаҳрида мустақиллик йилларида кўплаб замонавий иншоотлар қад ростлади. Яқинда бу ерда Наврўз арафасида транспорт алоқа коллежи фойдаланишга топширилди.

Суратда: коллежнинг умумий кўриниши.

И.ҲАСАНОВ олган сурат.



Таниқли ўймакор уста Мирҳабиб Аброровнинг қўлида сайқал топган ёғочлар бугунги кунда имом Ал-Бухорий, Мотрудий, Мирзо Улуғбек расатхоналари ҳамда Афросиёб тарихий музейга жилов бериб турибди. Тошкент шаҳридаги Хотира майдонидаги ўймакорлик ишлари ҳам Мирҳабиб аканинг бунёдкорлик фаолияти маҳсулидир. Самарқандда ва қўшни вилоятларда ёғоч ўймакорлиги билан шуғулланадиган усталар сафининг ортиб боришида Мирҳабиб аканинг улкан ҳиссаси бор. Бугун унинг шогирдлари 100 нафардан ортиқдир.

Суратда: таниқли ўймакор уста Мирҳабиб Аброров.

Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ олган сурат

АСОСИЙ ТАЛАБ – ЭКОЛОГИК ХАВФСИЗЛИКДИР

Табиат ҳимоячилари халқаро ҳамжамият эътиборини сув, ҳаво ва тупроқ тозалиги муаммоларига илк бор қаратганларидан буён маҳсулотларни экологик сертификатлаш муҳим талабга айланиб бормоқда.

Ўзбекистон Республикаси Давлат табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси ҳузурида маҳсулотлар хавфсизлигини аниқловчи марказ ташкил этилган. Марказ 1999 йилда 4 та, 2000 йилда 222 та экологик сертификат, кимёвий моддаларни сотиб олиш ва улардан фойдаланишнинг мақсадга мувофиқлиги тўғрисида тегишли равишда 9 та ва 25 та хулоса тақдим этган. Ўтган йили учта ташкилотнинг бу борадаги илтимоси рад этилди.

Давлат табиатни муҳофаза қилиш қўмитасининг 11 та вилоят бўлинмаларида шу каби марказлар фаолият кўрсатмоқда. Марказлар мутахассислари озиқ-овқат маҳсулотлари, халқ истеъмоли моллари, маиший ва ишлаб чиқариш асбоб-ускуналарини пухта текширувдан ўтказади.

«Олимпиада умидлари — 2001»

2004 йилда Афина шаҳрида навбатдаги Олимпиада ўйинлари бўлиб ўтади. Ушбу нуфузли спорт кўригида ватанимиз шарафини муносиб ҳимоя қила оладиган ёшларни тарбиялашга ҳозирдан киришилмоқда. «Олимпиада умидлари — 2001» мусобақалари юртимизда соғлом авлодни камол топтириш йўлида истиқболни кўзлаб қилинаётган кенг кўламдаги тадбирлардан биридир.

ШАҲРИХОН ЕНГИЛ АТЛЕТИКАЧИЛАРИ

«Фарзандлари соғлом юрт қудратли бўлур» шиори остида ўтказилаётган бу оммавий беллашувлар Ўзбекистон мустақиллигининг 10 йиллигига бағишланмоқда. Андижон вилоятининг шаҳар ва туманларида мусобақаларнинг учинчи босқичи бўлиб ўтди.

Ўйингоҳлар ва спорт мажмуалари икки кун мобайнида томошабинлар билан лиқ тўлди.

Шаҳрихон шаҳридаги 4-ўрта мактаб енгил атлетика мусобақалари иштирокчиларини қабул қилди. Минтақавий баҳсларнинг бу илм даргоҳида ўтказилаётганлиги бежиз эмас. Мактаб ёш енгил атлетикачилари шаҳар мактаблари орасида ғолибликни эгаллаб, минтақа мусобақаларига йўлланма олдилар.

— Мактабимизда спортни севишади, ардоқлашади, — дейди мактаб директори Аъзамжон Абдуллаев, — биз уларнинг жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланишлари учун етарли шароит яратиб берганмиз.

Енгил атлетикачиларнинг чаққон ва гўзал ҳаракатларини кузатар экансиз, Шаҳрихонда истеъдодли спортчилар етишиб чиқаётганлигига амин бўласиз. Мафтуна Раҳмонова, Муҳаммаджон Исроилов, Шаҳноза Ғависова сингари спортчилар юқори натижаларга эришиб, Шаҳрихон шаҳри терма жамоасининг ғалабасини таъминладилар.

Стол тенниси мусобақалари ҳам шу мактабда бўлиб ўтди. Ҳал қилувчи баҳсда Шаҳрихон теннисчиларининг қўли баланд келди.

Бўз педагогика коллежи спорт мажмуида эса мухлислар ёш баскетболчиларнинг учрашувларини зўр қизиқиш билан томоша қилдилар. Бу мусобақаларда Бўз тумани шарафини 4-ўрта мактаб баскетболчи қизлари ҳимоя қилдилар. Улар Шаҳрихон шаҳри ва Балиқчи тумани жамоаларини мағлубиятга учратдилар.

— Биз яхши тайёргарлик билан келдик, — дейди ёш баскетболчи Муҳайё Мажидова, — мақсадимиз, — ғолиб бўлиш.

Бўзлик қизлар сўзларининг устидан чиқдилар. Улар гуруҳда биринчи ўринни эгаллашиб, ғолиблик учун курашни давом эттиряптилар.

— Юртимиз келажаги — ёшлар қўлида. Жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланган болалардан ҳар жиҳатдан истеъдодли ёшлар етишиб чиқади, — дейди туман халқ таълими бўлими мудири Хумоюн Акбаров, — «Олимпиада умидлари» мусобақаларининг шиори «Фарзандлари соғлом юрт қудратли бўлур» деб номланганлиги бежиз эмас. Биз ёшларга пухта билим бериш билан бирга уларни жисмоний жиҳатдан бақувват қилиб тарбиялашга катта эътибор бермоқдамиз.

«Олимпиада умидлари — 2001» спорт мусобақалари учинчи-босқичи натижаларига кўра гуруҳ ғолиблари ҳал қилувчи босқичда курашни давом эттирмоқдалар.

Муҳаммаджон КАРИМОВ.

РЕСПУБЛИКА КЎЧМАС МУЛК БИРЖАСИ

RESPUBLIKA KO'CHMAS MULK BIRJASI

аукцион савдоларига таклиф этади!

Савдолар 2001 йил 5,12,17, 24 Апрел кунлари соат 11.00 да Республика Биржалар Марказида ўтказилади

Савдоларга қуйидаги объектлар қўйилади:

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ЖОЙЛАШГАН:

1. Нукус шаҳри, Қизкетган қўрғонида жойлашган, Нукус темир бетон материаллари ОАЖ заводининг ошхона биноси. ***Бошланғич баҳоси 4142008 сўм.***

2. Беруний шаҳри, Хоразм кўчасида жойлашган Беруний темир бетон материаллари заводи АЖнинг ошхона биноси. ***Бошланғич баҳоси 2357021 сўм.***

3. Элликқалъа тумани, Бўстон шаҳри, Беруний кўчаси 3 шосседа жойлашган кўчма-механизациялашган колоннасининг ошхона биноси. ***Бошланғич баҳоси 643210 сўм.***

4. Нукус шаҳри, "Проектная" кўчасида жойлашган "ККСМАП" АЖга қарашли ошхона биноси. ***Бошланғич баҳоси 3090634 сўм.***

5. Нукус шаҳрида жойлашган "Электромонтаж" кўчма механизациялашган колоннаси АЖга қарашли ошхона биноси. ***Бошланғич баҳоси 572720 сўм.***

6. Тахтакўпир тумани, Тахтакўпир қўрғонида жойлашган "Тахтакўпир" кўчма-механизациялашган колоннаси АЖнинг ошхона биноси. ***Бошланғич баҳоси 273920 сўм.***

7. Нукус шаҳри, Қизкетган қўрғонида жойлашган Автокорхона ("ПСО АСВС")га қарашли маиший хизмат (ошхона) биноси. ***Бошланғич баҳоси 1172713 сўм.***

8. Нукус шаҳри, Каратау қўрғонида жойлашган "Каратау норуда" АЖга қарашли ҳаммом биноси. ***Бошланғич баҳоси 391055 сўм.***

9. Тахиатош шаҳри, Бабонов кўчаси, 4-уйда жойлашган "Электроаппарат" АЖга қарашли ҳаммом биноси. ***Бошланғич баҳоси 71635 сўм.***

10. Тахиатош шаҳри, Бабонов кўчаси, 4-уйда жойлашган "Электроаппарат" АЖга қарашли клуб биноси. ***Бошланғич баҳоси 1510046 сўм.***

АНДИЖОН ВИЛОЯТИДА ЖОЙЛАШГАН:

11. Улуғнор тумани марказида жойлашган "Улуғнор" МТПга қарашли ошхона биноси. ***Бошланғич баҳоси 495781 сўм.***

12. Жалолқудуқ тумани марказида жойлашган Жалолқудуқ МТПга қарашли қурилиши тугалланмаган дўкон биноси. ***Бошланғич баҳоси 6126324 сўм.***

НАМАНГАН ВИЛОЯТИДА ЖОЙЛАШГАН:

13. Учқўрғон шаҳри марказида жойлашган Учқўрғон туман МТП балансидаги қурилиши тугалланмаган 24 хонадонли турар-жой биноси. ***Бошланғич баҳоси 6125252 сўм.***

14. Чортоқ тумани Ҳазратишо қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудида жойлашган "Наманган текстиль" ҲЖ балансидаги қурилиши тугалланмаган 140 ўринли болалар боғчаси. ***Бошланғич баҳоси 2615817 сўм.***

15. Норин тумани Ҳаққулобод шаҳри марказида жойлашган "Наманган текстиль" ҲЖ балансидаги қурилиши тугалланмаган тикувчилик фабрикаси. ***Бошланғич баҳоси 4691713 сўм.***

САМАРҚАНД ВИЛОЯТИДА ЖОЙЛАШГАН:

16. Самарқанд шаҳри, М.Қошғарий кўчаси, 20-ўйда жойлашган "8 март" ОАЖ балансидаги профилактория биноси. ***Бошланғич баҳоси 8407100 сўм.***

17. Сиёб тумани, Фарҳод қўрғонида жойлашган 19-ХАТП ОАЖга қарашли 80 ўринга мўлжалланган профилактория биноси. ***Бошланғич баҳоси 7285100 сўм.***

18. Самарқанд шаҳри, А.Рудакий кўчаси, 179-уйда жойлашган 9-ХАТП ОАЖга қарашли ошхона биноси. ***Бошланғич баҳоси 5437300 сўм.***

19. Каттақўрғон шаҳри, Умар Хайём кўчаси, 7-уйда жойлашган, 112-КМК ОАЖнинг Каттақўрғон бўлими. ***Бошланғич баҳоси 6343700 сўм.***

20. Самарқанд шаҳри, Сиёб тумани, Фарҳод қўрғонида жойлашган қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигига қарашли, Насос-кучлантириш ускуналари заводининг мулкий мажмуаси: бино ва иншоотлари, автотранспорт воситалари, станоклари ва бошқа мулклари. ***Бошланғич баҳоси 169620,6 минг сўм.***

Мазкур объектларга қизиқиши бор ишбилармон юртдошларимиз, хорижлик сармоядорлар Республика Кўчмас мулк биржасига мурожаат қилишлари мумкин.

Манзилимиз: Тошкент шаҳри, Бухоро кўчаси, 10-уй. Республика Биржалар Маркази биноси, 3-қават, 44-хона. Республика Кўчмас мулк биржаси. Маълумот учун телефонлар: 136-26-26, 136-28-75, ички 153, факс 136-06-17.

4015

ОЛИМЛАР ҲАМКОРЛИГИ

Ўзбекистон Фанлар Академияси Микробиология институтида микроорганизмларнинг тарқалиш қонуниятларини ўрганиш, янги биотехнологияларни яратиш, айниқса, микробларни синтезлайдиган физиологик фаол моддаларни ажратиб олиш ва уларнинг хусусиятларини таҳлил этиш бўйича чуқур илмий изланишлар олиб борилмоқда. Хусусан, жамоа олимлари томонидан яратилган «Ором», «Бифидобактерин», «Лактобактерин», «Бификол» сингари кўплаб биопрепаратлар экологик хавфсизлиги, тез таъсир этиш хусусияти билан хорижий дорилардан ажралиб туради. Шу боис мазкур институт билан кенг ҳамкорлик қилиш истагини билдираётган чет эл илмий марказлари тобора кўпайиб бормоқда.

Институт жамоаси билан Америка Қўшма Штатларининг илмий дастурларни ҳимоялаш миллий фонди ҳамда Шимолий Аризона университетининг бир гуруҳ олим ва мутахассислари ўртасида бўлиб ўтган учрашув бунинг яққол далилидир. Унда институт тадқиқотчилари олиб бораётган ошқозон ва ичакдаги хавфли юқумли хасталикларнинг олдини олиш, ўсимликларнинг турли касалликларга чидамлилигини ошириш, тупроқдаги шўрланишга қарши курашишда асосий восита бўлиб хизмат қилувчи микроорганизмлар яратиш борасидаги илмий ёндашувлар уларда айниқса катта қизиқиш уйғотаётгани алоҳида таъкидланди.

Учрашувда ана шу соҳалардаги ҳамкорлик доирасини янада кенгайтириш, лаборатория асбоб-ускуналарини янгилаш, бу борадаги замонавий технологияларни амалиётда жорий этиш ҳамда биргаликда илмий изланишлар олиб бориш хусусида фикрлашиб олинди.

(ЎзА).

ЖАМҒАРМА ҚОШИДА ТЕАТР-СТУДИЯ

Аброр Ҳидоятов номидаги драма театрида «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси қошида ташкил этилган «Соғлом авлод ғунчалари» театр-студиясининг тақдимот маросими ўтказилди.

— Халқимизнинг миллий санъати ва анъаналарини ўсмир-ёшлар ўртасида оммалаштириш мақсадида «Соғлом авлод ғунчалари» театр-студияси ташкил этилди, — деди «Соғлом авлод учун» жамғармаси раиси Ойниса Мусурмонова «Туркистон-пресс» мухбирига. — Мақсадимиз ёш авлодни ҳар томонлама ақл-заковатли, маънавиятли қилиб камол топтириш ва энг яхши урф-одатларимиз орқали болаларимизни Ватанга ва халққа муҳаббат ва садоқат, миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялашдир.

«Оналар ва болалар» йили муносабати билан Республика Вазирлар Маҳкамаси томонидан қабул қилинган «Она ва бола» Давлат дастурида миллий анъаналаримизни ўзида мужассамлаштирган театр-студиялар ташкил этиш кўзда тутилганди. Дарҳақиқат, миллий ашула ва рақслар ҳамда қадриятлар мавзусига бағишланган кичик саҳна асарлари орқали ёшлар қалбида истиқлол ғояларига муҳаббат уйғотиш осон кечди. Шунинг учун ҳам болалар манфаатини кўзлаган жамғарма қошида ана шундай театр-студия дунёга келди.

Тақдимот маросимида театр-студиянинг 16 ёшдан 20 ёшгача бўлган аъзолари ўз санъатлари билан томошабинларни мафтун этди. Улар томонидан саҳнага қўйилган «Ҳунардан зар унар» спектакли мазмун-моҳиятининг теранлиги билан томошабинларда катта таассурот қолдирди. Мазкур саҳна асарида ҳунарли кишилар ҳеч қачон бировнинг қўлига қараб қолмаслиги, аксинча ўз ҳунаридан барака ва қадр топиши маҳорат билан очиб берилган. Шунингдек, мазкур театр-студия аъзолари ўзларининг ашула ва рақслари билан кечага файз киритди.

Томошага ташриф буюрган ёшлар ва хорижий давлатларнинг мамлакатимиздаги элчилари ҳамда уларнинг рафиқалари «Соғлом авлод ғунчалари»ни илк муваффақиятлари билан қутладилар. Эндиликда бу театр-студия мамлакатимиз умумтаълим мактаб ва боғчалари, академик лицей ҳамда касб-ҳунар коллежлари, «Меҳрибонлик» уйларида ўз санъатларини намойиш этадилар.

ISHONCH

МУАССИС: Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир Мирғиёс ҚАЮМОВ

Таҳрир ҳайъати: Эркин Воҳидов, Жория Алимхўжаева, Маъмура Одилова, Сафар Остонов, Маҳмуджон Расулов, Элёр Ёқубов, Виктор Зверев (бош муҳаррир ўринбосари «Ишонч-Доверие»), Мирфозил Олимов, Мирзоҳид Содиқов.

ТЕЛЕФОНЛАР: Котибият 56-52-78, 136-58-45; Хатлар ва реклама, эълонлар бўлимлари 56-85-43.

Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган

Босишга топшириш вақти - 21.00

Манзилимиз: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи; 133; 134

Газетага 1998 йил 11 июлда Ўзбекистон Давлат Матбуот қўмитаси томонидан 00005 рақамли гувоҳнома берилган. IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда.

«Шарқ» нашриёт—матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41—уй.

Буюртма Г— 2224. 1 2 3 4 5 6